

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

ЙЎЛДОШОВ ШЕРЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ

**МИКРОКРИСТАЛЛИК ВА КУКУНСИМОН ЦЕЛЛЮЛОЗА АСОСИДА
ҚУЙИ ҚОВУШҚОҚЛИ КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗАНИНГ
ОЛИНИШИ, ХОССАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.05 – Целлюлозава целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

УДК: 547.458:547.29: 541.6

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD)

Йўлдошов Шерзод Абдуллаевич

Микрокристаллик ва кукунсимон целлюлоза асосида қуйи қовушқоқли
карбоксиметилцеллюлозанинг олиниши, хоссалари ва ишлаб чиқариш
технологияси.....
.3

Йўлдошов Шерзод Абдуллаевич

Получение, свойства и технология производства низковязкой
карбоксиметилцеллюлозы на основе микрокристаллической и порошковой
целлюлозы.....
.21

Yuldoshov Sherzod Abdullaevich

Obtaining, properties and production technology of low
viscosity carboxymethyl cellulose based on microcrystalline and
powder cellulose..... .39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

ЙЎЛДОШОВ ШЕРЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ

**МИКРОКРИСТАЛЛИК ВА КУКУНСИМОН ЦЕЛЛЮЛОЗА АСОСИДА
ҚУЙИ ҚОВУШҚОҚЛИ КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗАНИНГ
ОЛИНИШИ, ХОССАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.05 – Целлюлозава целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/T22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Саримсоқов Абдушкур Абдухалилович техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Раҳмонбердиев Гаппар

кимё фанлари доктори, профессор

Ҳайитметова Саида

техникафанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^буй. Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz.)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^буй. Тел.:(+99871)241-85-94).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

С.Ш.Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

Н.Р.Вохидова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.д.,
катта илмий ходим

А.А.Атаханов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) целлюлозанинг бошқа оддий эфирларидан фарқ қилиб, дунё бўйича саноат миқёсида ишлаб чиқарилмоқда ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилиб келмоқда. КМЦнинг ишлаб чиқариш ҳажми йилига 1,8% ўсиб боришига қарамай, кўп талаб этиладиган саноат маҳсулоти бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, саноатнинг турли соҳаларининг КМЦга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришда целлюлоза тутувчи янги манбаларни аниқлаш фундаментал-амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан буён маҳаллий хом-ашёлар асосида целлюлоза ва унинг ҳосилаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун самарадор янги технологиялар яратиш ва мавжудларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, КМЦ ишлаб чиқаришнинг мавжуд классик, даврий технологияларини модернизация қилиш орқали маҳаллий хом-ашё — пахта целлюлозаси асосида таннархи арзон бўлган маҳсулот олиш имконини берувчи яримузлуксиз технологияни амалиётга жорий қилишга эришилган. Ушбу йўналиш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш

белгиланган. Бу борада маҳаллий хом-ашёлар — пахта целлюлозаси, микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) ва кукунсимон целлюлоза (КЦ) асосида ювувчи воситалар ишлаб чиқариш, керамика, қурилиш, гидрометаллургия, тоғ кон металлургия, нефт-газ саноатларида кенг қўлланиладиган қуйи қовушқоқли КМЦ ва полианион целлюлоза (ПАЦ) ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда жаҳонда, целлюлоза тутувчи хом-ашёлар асосида КМЦнинг янги турларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ҳамда қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли, юқори сифатли, сувда эрувчан КМЦ синтез қилиш, реакциянинг оптимал шароитларини ва сувда тўлиқ эрувчанлик чегараларини аниқлаш, жараённинг фаолланиш энергияси, реакциянинг тезлик константаси, иссиқлик эффекти қийматларини аниқлаш, МКЦ ва КЦ ни бир босқичда карбоксиметиллаш орқали юқори алмашинган ПАЦ олиш шароитларини аниқлаш, уларнинг илмий ечимларни асослаш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ 1442-сон «Ўзбекистон Республикасининг саноатини ривожлантириш устунлари тўғрисидаги», 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом

5

эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожланишининг VII бўлими «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. КМЦнинг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш билан дунё миқёсида саноатнинг турли соҳалари талабларига мувофиқ келадиган КМЦ намуналарини олиш, янги турдаги хом ашёлардан КМЦ олиш ва саноат миқёсида ишлаб чиқариш имкониятлари, керакли физик-кимёвий, эксплуатацион хоссаларга эга бўлган маҳсулот олиш учун намуналарни модификация қилиш ва функционал гуруҳлар киритиш йўналишида тадқиқотлар сезиларли ортиб борди. Ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг назарий, амалий муаммоларига бағишланган илмий ишлар қуйидаги чет эл олимлари: Thomas Heinze (Германия), H.A.Ambjornsson (Швеция), A.Benchabane (Франция), A.Bono (Малайзия), H.D.Heydarzadeh (Эрон), Hasan Togrul (Туркия), A.M.Adel (Миср), J.M.Lee (АҚШ), Gen Lin Zhang

(Хитой), Z.A.Metodiev (Болгария), K.Boruvkova (Чехия), M.A.Zeenat (Покистон), J.Lisa (Тайланд), шунингдек, МДХ мамлакатларидан Н.Г.Базарнова, В.И.Маркин, М.В.Обрезкова, И.Б.Фаттахов, В.В.Оболенская, И.М.Грубник, В.В.Будаева ҳамда Ўзбекистонда академик Х.У.Усмонов мактаби давомчилари — академик С.Ш. Рашидова, профессор Ш.Нажмуддинов, профессор А.А.Саримсоқов, профессор Г.Р.Рахмонбердиев, профессор А.С.Тураев, т.ф.д. А.А.Атаханов, т.ф.д. Х.Э.Юнусов томонларидан мувоффақиятли ривожлантириб келинмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А6-055 рақамли «Пахта целлюлозаси, линт ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари асосида турли марқадаги КМЦ ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва саноат миқёсида ўзлаштириш» (2006-2008 йй.); К-6-014 рақамли «Микрокристаллик целлюлоза асосида қийин ёнувчи, экологик хавфсиз материалларни яратиш» (2009-2011 йй.); ИОТ-2016-7-18 рақамли «Маҳаллий хом-ашё асосида қийин ёнувчан ёғоч қипиғли плиталар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва ўзлаштириш» (2016-2017 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) ва кукунсимон целлюлоза (КЦ) асосида сувда эрувчан қуйи қовушқоқли карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) ва юқори алмашиниш даражасига эга

6

полианион целлюлоза (ПАЦ) синтез қилиш, уларнинг хоссаларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

МКЦ ва КЦ намуналарини ишқорий ишлов беришнинг оптимал шароитларини танлаш ва тадқиқ этиш;

МКЦ ва КЦ ни ҳар хил усулларда карбоксиметиллаш имкониятларини ўрганиш;

адиабатик шароитда МКЦ ва КЦни гетероген карбоксиметиллаш кинетикасини тадқиқ этиш;

МКЦ ва КЦ асосида КМЦ синтез қилишнинг оптимал шароитларини танлаш;

суспензион усулда МКЦ ва КЦдан ПАЦ синтез қилиш ва оптимал шароитларини аниқлаш;

МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли КМЦ ва ПАЦ ишлаб чиқаришнинг суспензион ва моноаппарат технологияларини яратиш;

кичик қовушқоқли КМЦ намуналарини қўлланилиш соҳаларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти турли полимерланиш ва кристаллик даражага эга бўлган МКЦ ҳамда КЦ намуналари, улар асосида олинган КМЦ, қийин ёнувчан ёғоч қипиқли плиталар (ЁҚП) дан иборат.

Тадқиқотнинг предмети МКЦ, КЦ намуналарини ишқорий ишлов бериш, ишқорий целлюлоза намуналарини этерификация жараёнлари, МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли КМЦ ҳамда ПАЦ синтез қилишнинг оптимал шароитлари, уларнинг ишлаб чиқариш технологиясини ва қўлланилиш соҳаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ИҚ-спектроскопия, рентген тузилиш таҳлиллар, потенциометрия, вискозиметрия ҳамда кимёвий анализ усуллари қўлланилган.

Дисертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: илк бор моноаппарат усулда МКЦ ва ПЦ асосида алмашиниш даражалари 0,42-0,48 бўлган қуйи қовушқоқли сувда эрувчан КМЦ намуналарини синтез қилиш шароитлари аниқланган;

илк бор МКЦ ва КЦни этил спирти муҳитида бир босқичда карбоксиметиллаш орқали юқори алмашиниш даражали ПАЦ синтез қилинган; адиабатик шароитда МКЦ ва КЦни гетероген карбоксиметиллаш реакциясининг фаолланиш энергияси, реакциянинг тезлик константаси ва иссиқлик эффектлари аниқланган;

МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли КМЦ олишнинг моноаппарат ва ПАЦ ишлаб чиқаришнинг суспензион технологиялари яратилган; илк бор қуйи қовушқоқли, қуйи алмашинган КМЦни қийин ёнувчан ёғоч композицияси таркибига киритиш маҳсулотнинг ёнғинга чидамлилиги ва физик механик хоссаларини ортишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда иборат: суспензион ва моноаппарат усулларда МКЦ ва КЦни ишқорий ишлов бериш ва карбоксиметиллаш реакцияларининг оптимал шароитлари аниқланди;

7

моноаппарат ва суспензион усулларда МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли КМЦ ва ПАЦ ишлаб чиқариш технологияси яратилди ҳамда янги марқадаги қуйи қовушқоқли, қуйи ва юқори алмашинган намуналар олинди;

қуйи қовушқоқли, сувда эрувчан КМЦни экологик хавфсиз, қийин ёнувчан ёғоч қипикли плиталар (ЁҚП) ишлаб чиқаришда фойдаланилди. **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механик таҳлил натижалар орқали олинган натижалар, қўйилган туб вазифаларнинг тўғрилиги, математик ҳисобларнинг аниқлиги билан тасдиқланган назарий тадқиқотлар ёрдамида асосланади. Олинган амалий натижалар физик-кимёвий (ИҚ-спектроскопия, рентгенография), кимёвий ва математик (MathCad) анализ усуллари орқали тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти целлюлоза, МКЦ ва КЦ асосида олинган қуйи ҳамда юқори алмашиниш даражаларига эга бўлган КМЦ намуналарининг —таркиби-тузилиши-хоссалари|| ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлашдан иборат. Целлюлоза, МКЦ, КЦ асосида КМЦ олишнинг илмий натижалари халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатиладиган янги

материаллар яратишда асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МКЦ ва КЦ асосида қуйи алмашилиш даражасига эга бўлган сувда эрувчан КМЦ ҳамда юқори алмашилиш даражали ПАЦ синтез қилиш, уларнинг моноаппарат ва суспензион технологияларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат. Мазкур технологиялар асосида қуйи қовушқоқли КМЦ ва ПАЦ ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш билан бир вақтда саноат тармоқларининг турли соҳалари учун импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулот олиш мумкин. Моноаппарат ва суспензион технологиялар кам харажатли, экологик хавфсиз КМЦ ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли КМЦ ва ПАЦ олиш, ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: моноаппарат технология асосида «UZBEKNEFTEGAZ» миллий холдинг компанияси тасарруфидаги «Карбонам» МЧЖ корхонаси базасида маҳаллий хомашёлар асосида 370 тонна, умумий қиймати 430 млн. сўм бўлган техник КМЦ ишлаб чиқарилган («UZBEKNEFTEGAZ» миллий холдинг компаниясининг 2017 йил 23 февралдаги 23-10-01/26-677-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган технология нефть ва газ саноати учун импорт ўрнини босувчи зарур маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берган. моноаппарат технологияда маҳаллий хомашёлар асосида КМЦ ишлаб чиқариш учун «Пахта целлюлозаси, линти ва текстил чиқиндилари асосида техник КМЦ ишлаб чиқариш» технологик регламенти ишлаб чиқилган (TR_22235949-002:2016) ва «O'ZLITINEFTGAZ» АЖнинг розилиги асосида «Карбонам» МЧЖ корхонаси томонидан тасдиқланган. Мазкур технология

8

маҳаллий хомашёлар асосида импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган янги маркадаги КМЦ олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишчоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий нашрларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги аниқланган, уларни ишончилиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қуйи қовушқоқли КМЦ ва ПАЦнинг олиниш усуллари, хоссалари, ишлаб чиқариш технологияси ва ишлатилиши»** номли дастлабки бўлимида КМЦ ва ПАЦнинг синтез усулларига тегишли замонавий адабиётлар таҳлил қилинган, шунингдек, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, структура тавсифлари, целлюлозани ишқорий ишлов бериш ва этерификация реакцияси механизмларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг ишлатилиш соҳалари бўйича маълумотлар

келтирилган. Бугунги кунда бир-биридан алмашилиш даражаси (АД), полимерланиш даражаси (ПД), сифат кўрсаткичлари, шунингдек, ишлаб чиқариш технологияси ва целлюлоза тутувчи хом-ашё тури билан фарқ қиладиган КМЦ маркалари саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши аниқланди. Шунга қарамай, саноатнинг турли соҳаларида—ювувчи воситалар ишлаб чиқариш, нефт-газ, қурилиш, тўқимачилик, қоғоз, озиқ-овқат, фармацевтика саноатларида ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланиладиган қуйи қовушқоқли КМЦ ва юқори алмашилиш даражали ПАЦ маркаларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилмаслиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Объектлар, карбоксиметилцеллюлозани олиниши ва тадқиқ этиш усуллари»** номли иккинчи бўлимиқуйи қовушқоқли, техник КМЦ ва ПАЦ олиш усуллари, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш,

9

олинган КМЦ намуналарининг физик-кимёвий тадқиқ этиш усулларига тегишли бўлган методик қисмлардан ташкил топган.

Диссертациянинг **«Микрокристаллик ва кукунсимон целлюлоза асосида қуйи қовушқоқли карбоксиметилцеллюлоза ва полианион целлюлоза олиш усули ва хоссалари»** номли учинчи бўлимида МКЦ ва КЦни ишқорий ишлов бериш, карбоксиметиллаш реакциялари шароитлари ва уларнинг ўзига хослиги бўйича тадқиқот натижалари, олинган ҳар хил АД ва ПДли КМЦ намуналарининг физик-кимёвий хоссаларига таққосланган ҳолда маълумотлар келтирилган.

Целлюлоза хом-ашёсига ишқорий ишлов бериш жараёни КМЦ синтези, технологияси ишлаб чиқарилишидаги асосий объект ҳисобланади. Целлюлозани натрий гидроксид эритмаси билан ишлов беришда толанинг қалинлигини ортиши ва узунлигини камайиши, иссиқлик ажралиши, сиртмолекуляр ва морфологик тузилишларини ўзгариши билан боғлиқ бўлган

бўкиш жараёни содир бўлади. Ушбу жараёнда целлюлозадаги ишқорда эрийдиган куйи молекуляр фракциялар эритмага чиқиб кетади. Юқоридаги комплекс жараёнлар асосида целлюлозанинг натрий гидроксиди билан кимёвий таъсирлашуви ётади. Бунда ишқорий целлюлоза аддукти ҳосил бўлади ишқор концентрацияси ортиши билан реакция мувозанатини аддитив бирикманинг ҳосил бўлиши томонига силжиши максимум орқали ўтади.


Натрий гидроксид концентрациясининг маълум чегара қийматидаги миқдоридан ортиши билан целлюлоза I кристалл панжарасига ионларни ютилиши содир бўлади ва ишқорий целлюлоза II кристалл тузилиши ҳосил бўлади. Целлюлоза II кўп миқдордаги водород боғларини узилиши ва кристалл структурасини ўзгариши ҳисобига юқори реакцион фаолликни намоён қилади.

Шунинг ҳисобига тадқиқотлар олиб бориш жараёнида маълум бўлган КМЦ ишлаб чиқариш усуллари МКЦ ва КЦ намуналарига қўллаганда уларнинг юқори самара беришлигига алоҳида аҳамият берилди. Ҳар хил ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш орқали олинган КМЦ намуналарининг физик-кимёвий хоссалари бир-бирига таққослаб тадқиқ этилди.

Целлюлоза хом-ашёсига даврий, яримузлуксиз ва узлуксиз усулларда ишқорий ишлов бериш жараёнида натрий гидроксид эритмаси юқори модулда (1:10) ишлатилади. МКЦ ва ПЦ намуналарини ишқор эритмасида кучли бўкиши ва ушбу ишқорий массада сикиш орқали ортиқча ишқор ва сувни чиқариш имконининг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, МКЦ ва КЦ намуналарига ишқорий ишлов бериш ҳамда карбоксиметиллаш реакциялари моноаппарат усулда амалга оширилди. Ушбу усулда ишқорий ишлов бериш кичик модулда, керакли миқдордаги ишқор эритмасидан фойдаланилади.

МКЦ намунасини ишқор эритмаси билан ишлов бериш жараёнида ишқор концентрацияси 20% дан 30% гача ортиши билан маҳсулотнинг АД қиймати 0,83 гача ортиб боради. Аксинча, КЦ учун 20% ли ишқор эритмасидан фойдаланилганда АД=0,87 гача кўтарилганлиги кўринади. Ушбу ҳолат МКЦ ва КЦ намуналари кристаллик даражасининг бир-биридан кескин фарқ қилиши билан тушунтириш мумкин (1-расм).

10




1-расм. Моноаппарат усулда ишқор

эритмаси концентрациясининг


Карбоксиметиллаш реакцияси жараёнининг ҳароратига боғлиқ бўлиб, ҳарорат оритиши билан маҳсулотнинг АД қиймати ортиб боради (2-расм). МКЦга нисбатан натрий монохлорацетат миқдори ортиши билан реакция тезлиги ҳам ортиб боради. Бунда карбоксиметиллаш жараёни реагентлар нисбатига боғлиқ бўлмай, деярли бир хил вақтда 60⁰С да 150 дақиқада якунланади.

КМЦ олиш жараёнида МКЦнинг зарра ўлчами ортиб бориши билан маҳсулотнинг АД қиймати пасайиб бориши аниқланди (3-расм). Бунда, МКЦнинг зарра ўлчамлари кичиклашиб бориши билан унинг реакцион сирт юзаси ортиб боради ҳамда бир хил гетероген шароитда реакцияга киришувчи компонентларнинг бир-бири билан тўқнашувлари сони ортади. Бу эса ўз навбатида алкилловчи агент миқдорининг камайиши ва маҳсулотнинг АД қиймати ортишига сабаб бўлади.

КМЦнинг саноат намуналаридаги сувда тўлиқ эрувчанлик чегарасини уларнинг ПД=450-680 ва АД=0,55-0,65 қийматларида намоён қилади. МКЦ ва КЦ асосида олинган КМЦ намуналарида ПД=100-280 бўлганда, сувда тўлиқ эрувчанлик АД=0,42-0,48 қийматларида намоён қилади (4-расм).




3-расм. КМЦ АД сининг МКЦ зарра ўлчами билан боғлиқлиги




4-расм. КМЦ нинг сувда тўлиқ эриш чегараси

11

5-расмда адиабатик шароитда МКЦ ва КЦ гетероген карбоксиметиллаш реакцияси кинетикаси натижалари келтирилган.





5-расм. Адиабатик шароитда МКЦ ва КЦни моноаппарат усулда карбоксиметиллаш кинетикаси

Олиб борилган кинетик тадқиқотлар карбоксиметиллаш реакциясини биринчи тартибли реакция тенгламаси орқали тавсифлаш мумкинлигини кўрсатди ва МКЦ ва КЦ карбоксиметиллаш реакцияси фаолланиш энергияси мос равишда $E=4,0 \cdot 10^4$ Ж/мол ва $E=3,011 \cdot 10^4$ Ж/мол эканлиги аниқланди. Жараённинг иссиқлик эффекти МКЦ учун $Q_p=1797$ кЖ/кг ва КЦ учун эса ушбу қийматлар $Q_p=1905$ кЖ/кг га тенг эканлиги аниқланди.

Моноаппарат усулда МКЦ ва КЦни карбоксиметиллашнинг оптимал шароитлари аниқланди. Бунда биринчи марта МКЦ ва КЦ асосида натрий монохлорацетат (НМА) сарфи целлюлоза элементар звеносига нисбатан 1,2-1,3 молни ташкил этган ҳолда маҳсулот АД қиймати 0,42-0,43 бўлган қуйи алмашинган, сувда эрувчан КМЦ намуналари олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Моноаппарат усулда МКЦдан олинган КМЦ намуналарининг физик кимёвий кўрсаткичлари

Намуналар	ПД	*КД, %	NaOH конц., %	НМА сарфи, мол	КМЦ кўрсаткичлари				
					АД	ПД	Эрувчанлик, %	Асосий мод. миқ., %	рН
МКЦ	250	83	30	1,3	0,42	190	99,5	53,0	9,7
КЦ	380	17	20	1,2	0,43	310	99,8	57,0	9,8

*КД-кристаллик даражаси

1-жадвалдан кўриниб турибдики, МКЦ ва КЦ асосида моноаппарат усулда, оптимал шароитда олинган КМЦ намуналари АДси нисбатан кичик бўлишига қарамай сувда тўлиқ эриш хоссасини намоён қилади.

МКЦ ва КЦни маҳаллий органик эритувчи- этил (ЭС) ва изопропил спирти (ИПС) муҳитида суспензион карбоксиметиллаш реакцияси шароитларини

махсулотнинг физик-кимёвий хоссаларига таъсири тадқиқ қилинди (6-расм).

		(КЦ)											
		10	20	30	40	50	1						
КМЦ АД си (МКЦ) 0,9 0,8 0,7 0,6 0,5 0,4 0,3	А	Ишқор					0,9 0,8 0,7 0,6	ИПС этанол					
		концентрация					0,5 0,4 0,3	Б					
		си, %						10 20 30 40 50					
ИПС этанол		КМЦ АДси						Ишқор					
								концентрация					
								си, %					

6-расм. КМЦ намуналарининг АД қийматини ИПС ва этанол муҳитида ишқор концентрациясига боғлиқлиги (а-МКЦ; б-КЦ)

Ишқор концентрациясини маҳсулотнинг АД қийматига таъсирини тадқиқ этиш натижалари асосида, ишқорий ишлов бериш жараёнида ишқор концентрацияси МКЦ учун 40% ва КЦ учун 30% га етганда КМЦ намуналарининг АД қийматлари мос равишда ИПС муҳитида АД=0,83:0,94 ва ЭС муҳитида АД=0,75:0,88 қийматга эга бўлади.

Ушбу фарқни МКЦнинг юқори даражадаги тартибланган кристалл тузилишга эга (КД=83%) ва КЦ аморф тузилишга (КД=17%) эканлиги билан тушунтириш мумкин. Бунда, алкилловчи агентни МКЦнинг кристалл тузилишига кириши учун КЦга нисбатан янада юқорироқ концентрацияли ишқор эритмаси билан ишлов бериш талаб этилади.

										(КЦ)																			
										2										1									
1,										1,										0,8									
4										4										КМЦ АД си									
1,										КМЦ АД си										(МКЦ)									
1																													
КМЦ АД ^{си}										1																			
0,8 0,6 0,4 0,2										0,8 0,6 0,4 0,2										0,6 0,4 0,2									
КМЦ из МКЦ										КМЦ из ПЦ										80оС 55оС									
0										МХСК концентрацияси, %										80оС 55оС									
0,5 1 1,5 2 2,5										0 50 100 150 200 250 300 Реакция										0 50 100 150 200 250 300 Реакция									
										давомийлиги, мин										давомийлиги, мин									

7-расм. КМЦ намуналарининг АДсини 55⁰С и 80⁰С да МХСК сарфи ва реакция давомийлигига боғлиқлиги

Алкилловчи агент монохлор сирка кислотаси (МХСК) сарфи 1 мол целлюлоза элементар звеносига нисбатан 2,0-2,0 молгача ортиши билан МКЦ ва КЦ асосида суспензион усулда олинган КМЦ ва ПАЦ намуналарининг АД қийматлари мос равишда 0,93 ва 1,2 гача ортиб боради (7-расм).

Оптимал шароитда 1 мол целлюлоза звеносига нисбатан 2,0-2,2 мол МХСК

сарфлаб, МКЦ ва КЦни моноаппарат усулда бир босқичда карбоксиметиллаш орқали юқори АД ли ПАЦ олиш мумкинлиги аниқланди.

Карбоксиметиллаш реакцияси давомийлиги ортиб бориши билан КМЦ намуналарининг АД қийматлари максимумга яқинлашади. Реакция ҳарорати 55⁰С дан 80⁰С гача кўтарилиши билан реакциянинг давомийлиги кескин қисқаради. МКЦ ва КЦнинг юқори реакция қобиляти ва молекуляр массасининг кичиклиги алкиллаш жараёнида қисқа вақт ичида ва юмшоқроқ шароитда реагентларнинг реакция самарасини ортишига сабаб бўлади.

2-жадвал


Суспензион усулда ЭС муҳитида олинган КМЦ намуналарининг сифат кўрсаткичлари

Дастлабки хом-ашё			NaOH конц, %	МХСК сарфи, моль	КМЦ кўрсаткичлари				
Намуналар	ПД	КД, %			АД	ПД	Эрув чанли к, %	Асосий мод. миқ, %	рН
МКЦ	250	83	40	2,2	0,93	210	100	77,0	8,7
КЦ	380	17	30	2,0	1,13	340	100	75,5	8,3

2-жадвалдан кўришиб турибдики, оптимал шароитда бир босқичда КЦ ва МКЦни карбоксиметиллаш орқали суспензион усулда ЭС муҳитида юқори алмашинган ПАЦ олиш мумкин.


Суспензион усулда МКЦ ва КЦ асосида олинган намуналарида ўринбосарларни макромолекулада бир текис тақсимланганлиги ҳисобига АД=0,35-0,38 қийматли КМЦ ҳам сувда тўлиқ эриш чегарасини намоён қилади.

Диссертациянинг тўртинчи «МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли КМЦ ва ПАЦ ишлаб чиқариш технологияси» бўлимида моноаппарат усулда МКЦ асосида қуйи қовушқоқли, қуйи алмашинган, сувда эрувчан КМЦ ишлаб чиқариш технологияси келтирилган.



8-расм. МКЦ дан қуйи қовушқоқли, қуйи алмашинган ва сувда эрувчан КМЦ ишлаб чиқаришнинг моноппарат технологик схемаси

1- сув ўлчагичлар; 2- натрий гидроксид учун йиғгич; 3- ишқор эритмасини тайёрлаш учун реактор; 4 –НМА учун йиғгич; 5 – МКЦ учун йиғгич; 6- реактор; 7- музлатгич; 8 – этерификация учун реактор; 9- этилтиргич; 10- туннелли қурутгич; 11- ротацион майдалагич; 12 – КМЦ йиғгич; 13- колорифер; 14- компрессор.



9-расм. Суспензион усулда КЦ асосида қуйи қовушқокли юқори алмашинган ПАЦ ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси

1- сув ўлчагичлар; 2 – спирт ўлчагичлар; 3- МХСК учун йиғич; 4 – натрий гидроксид учун йиғич; 5 – ишқор эритмасини тайёрлаш учун реактор; 6 – МХСК эритмасини тайёрлаш учун реактор; 7 –этерификация учун реверсив Z-симон аралаштиргичли реактор; 8 –ПЦ учун йиғич; 9 – этерификация учун реактор; 10 – центрифуга; 11 – вакуум-тикловчи қуритгич; 12 – ПАЦ учун йиғич; 13 – ротацион майдалагич; 14 – спирт йиғич; 15 – калорифер; 16 – тоза этанол йиғичи; 17 –60-70 % этанол эритмасини тайёрлаш учун йиғич; 18 –спирт ректификацияси учун конденсатор; 19- музлатгич; 20 – компрессор.

Диссертациянинг «**Қуйи қовушқокли КМЦнинг амалиётда қўлланилиш соҳалари**» деб номланган бешинчи бобида қуйи қовушқокли КМЦ, антипирен ва бошқа тўлдирувчилар билан ишлов бериш орқали физик механик ва ёнувчанлик хоссалари бўйича амалдаги стандартлар талабларига жавоб берадиган мустаҳкам, экологик хавфсиз, қийин ёнувчан ЁҚП олиш имкониятлари йўналишидаги тадқиқот натижалари келтирилган.

Қийин ёнувчан пресс-материаллар олиш учун ёғоч қипиқли масса

таркибига фосфор ва азот тутувчи маҳаллий антипирен, жумладан, ёғоч

16

структураси таркибига ортофосфат кислотаси ва аммиак иштирокидаги кимёвий реакция ҳисобига ҳосил бўлган аммоний дигидрофосфат киргизилди.

3-жадвал

Ортофосфат кислотаси ва аммиак билан ишлов берилган ЁҚП намуналарининг ёнувчанлик кўрсаткичлари

№	Антип и ренко нц. , %	Намунанинг массаси, г		Масса йўқоти лиши, %	Ажралаётган газлар ҳарорати, °С				
		Синовгач а, г	синовд ан кейин, г		1 дақи қа	2 дақи қа	3 дақи қа	4 дақи қа	5 дақи қа
ЁҚП нинг саноат намунаси									
1	0	113	5	96,0	260	700	750	-	-
Антипирен билан ишлов берилган ЁҚП									
1	5	123	81	34	200	260	365	485	475
2	8	117	82	30	247	244	240	236	238
3	10	110	85	23	243	285	430	442	436
4	14	117	95	19	260	365	200	485	475
5	16	114	100	12	205	260	350	360	365
6	18	119	107	10	167	169	166	166	166
7	20	120	113	6	184	242	319	338	376

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ЁҚП нинг саноат намунаси уч дақиқа ичида оловли трубада тўлиқ ёниб, ажралиб чиқаётган газлар ҳарорати максимал қийматга эришади ваёниш жараёнида 96% масса йўқотилади. Антипирен концентрацияси 20 % гача оширилганда ёниш жараёнида намуналарининг массаси йўқотилиши 6 % ни ташкил этади.

4-жадвал

ЁҚП намуналарининг физик-механик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Саноат ЁҚП	Қийин ёнувч ан ДСП	Қийин ёнувчан ДСП (КМЦ)	ГОСТ бўйича
--------------	---------------	-----------------------------	----------------------------------	----------------

Қалинлик, мм	16,0	16,0	16,0	14-20
Намлик, %	4,8	4,4	4,5	5-11
24 соатда қалинлик бўйича бўйиши, %	24,4	36,2	17,5	20дан юқори эмас
Зичлик, кг/м ³	620	640	710	550-820
Букилишга мустахкамлиги, МПА	13,6	9,9	14,0	14,0
2 соатда сув ютиши, %	13,6	26,0	12,5	12,0

Шунга қарамай, композиция таркибига антипирен киргизилиши билан ЁҚП намунасининг физик-механик хоссалари кескин пасайиб кетиши аниқланди. ЁҚП намуналарининг физик-механик хоссаларини яхшилаш учун унинг таркибига қуйи қовушқоқли КМЦ киргизиш устида тадқиқотлар олиб борилди. Бунда қуйи қовушқоқли КМЦ ёғоч композицияси тузилишида антипирен ва боғловчи агент молекулалари билан кимёвий боғ ҳосил бўлишига ёрдам бериши кўрсатилди. Бундан ташқари, ушбу тўлдирувчилар тузилишдаги

17

микропораларни тўлдириши ва компонентлар ўртасида кимёвий боғ воситасида тикилган тузилма ҳосил бўлиши ҳисобига физик-механик хоссалари юқори бўлган ЁҚП намуналари олишга эришилди (4-жадвал).

Композиция таркибига Na-КМЦ киритилиши ёғоч массасида антипиренни бир хил тақсимланишига ёрдам беради ва унинг термик барқарорлигини оширади ҳамда ёғоч массасидаги микропораларни тўлдириши ҳисобига ЁҚП нинг зичлигини ортишига сабаб бўлади.

Ёғоч массасини орфосфат кислотаси билан ишлов бериш жараёнида кислота ва КМЦ ўртасида мураккаб эфир боғи ҳосил бўлади ва аммиак билан кимёвий реакцияси натижасида бутун юза бўйича бир хил тақсимланган кимёвий боғланган аммоний дигидрофосфат антипирени ҳосил бўлади.

Юқоридаги усул ЁҚП таркибидаги ортофосфор кислотаси ва аммиак миқдорини камаймши билан бир вақтда унинг физик-механик ҳамда ёнишга чидамлилик хоссаларини яхшиланишига олиб келади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қийин ёнувчан пресс-композициянинг оптимал таркиби яратилди ва «Dealmar Discount» МЧЖ корхонасининг технологик линиясида қийин ёнувчан ЁҚП тажриба-саноат партияси олинди.

5-жадвал

ЁҚП тажриба-саноат партиясининг физик-механик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ЁҚПнинг саноат намунаси	Қийин ёнувчан ЁҚП	ГОСТ бўйича 10632-2007
--------------	-------------------------------	----------------------	---------------------------

Қалинлик, мм	15	17	14-20
Намлик, %	7	11	5-13
2 соатда қалинлик бўйича бўйиши, %	21	22	20-30
Зичлик, кг/м ³	760	738	550-820
Букилишга мустаҳкамлиги, МПА	14,0	13,1	11,5-13,0

Олинган ЁҚП тажриба-саноат партиясининг физик-механик хоссалари ГОСТ 10632-2007 «Ёғоч-қипиқли плиталар» меъёрий хужжат талабларига мувофиқ келиши аниқланди.

Ушбу тажриба-саноат партиясининг ёнишга чидамлилиқ хоссалари ЎзР ИИБ Ёнғин хавфсизлиги институти ва ЎзР ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасилабораториясида тадқиқ этилди (6-жадвал).

«DealmarDiscount» МЧЖ корхонасида олинган ЁҚП тажриба-саноат намунасининг ёнувчанлиқ хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар ГОСТ 12.1.044. —Модда ва материалларнинг ёнғин хавфсизлигига биноан —қийин ёнувчан материаллар гуруҳига киритилди.

Қийин ёнувчан ЁҚП копозицияси таркибига қуйи қовушқоқли КМЦ киритиш билан ГОСТ 10632, ГОСТ 12.1.044 га мувофиқ равишда маҳсулотнинг физик-механик ва ёнишга чидамлилиқ хоссалари ортиб бориши тажриба асосида аниқланди.

6-жадвал

ЁҚП тажриба-саноат намунасининг ёнувчанлиқ хоссалари

«Dealmar Discount» МЧЖ саноат намунаси						
№	Дастлабки ҳарорати, °C	Максим ал ҳарорат, °C	Максима л ҳароратг а эришиш вақти, с	Масса, г		Масса йўқотили ши, %
				Синовгача	Синовд ан кейин	
«Dealmar Discount» МЧЖ саноат намунаси						
1	200	740	220	89	12	86.4
2	200	625	280	82	10	88,3
3	200	557	295	95	22	76,4

ўргача		640,6	265,0			83,7
Қийин ёнувчан ЁҚП тажриба-саноат намунаси						
1	200	260	300	120	104	13,28
2	200	255	300	126	112	11,23
3	200	255	300	125	12	11,12
ўргача		256,6	300,0			11,87

ХУЛОСА

1. Даврий, яримузлуксиз, суспензион ва моноаппарат усулларда МКЦ ва КЦ намуналарини ишқорий ишлов бериш ва карбоксиметиллаш шароитлари таққослаб ўрганилди. МКЦ ва КЦ асосида қуйи қовушқоқли, сувда эрувчан КМЦ олиш учун фақатгина суспензион ва моноаппарат усуллар самарали эканлиги аниқланди. Бошқа усулларнинг ноқулайлиги ишқорий МКЦ ва КЦни ортиқча ишқор ва сувдан сиқиб бўлмаганлиги, натижада этерификация жараёнида натрий монохлорацетатнинг қўшимча реакциялари тезлигининг ортиб кетиши билан изоҳланади.

2. Моноаппарат усулда маҳсулот хоссасига ишқор концентрацияси, ҳарорат, НМА сарфи, реакция давомийлиги, дастлабкихом-ашёларнинг зарра ўлчамларининг таъсири ўрганилди. Моноаппарат усулда МКЦ ва КЦни қаттиқ фазада карбоксиметиллашнинг оптимал шароитлари топилди. Бунда биринчи марта МКЦ ва КЦ асосида НМА сарфи 1,2-1,3 моль бўлганда АД=0,42-0,48 бўлган сувда эрувчан қуйи алмашинган КМЦ намуналари олинди.

3. Адиабатик шароитда қаттиқ фазада МКЦ ва КЦни этерификация реакцияси кинетикаси ўрганилди. Бунда, МКЦ ва КЦни карбоксиметиллаш реакцияси фаолланиш энергияси мос равишда $E=4,0 \cdot 10^4$ Ж/мол ва $E=3,011 \cdot 10^4$ Ж/мол эканлиги аниқланди. МКЦ намуналарини карбоксиметиллаш реакциянинг иссиқлик эффекти $Q_p=1797$ кЖ/кг ва КЦ карбоксиметиллаш реакцияси учун $Q_p=1905$ кЖ/кг ни ташкил этди.

4. Суспензион усулда юқори алмашинган ПАЦ олиш учун МКЦ ва КЦни карбоксиметиллашнинг оптимал шароитлари аниқланди. Этил спирти муҳотида КЦ асосида бир босқичда карбоксиметиллаш орқали (МХСК сарфи 2,0-2,2 мол) АД=0,93-1,21 бўлган ПАЦ олиш имконияти аниқланди. Суспензион усулда МКЦ ва КЦ асосида олинган КМЦ намуналарининг сувда тўлиқ эрувчанлик чегараси аниқланди. Бунда, суспензион усулда МКЦ ва КЦдан олинган КМЦ намуналарининг АД=0,35-0,38 қийматларида сувда тўлиқ эриши аниқланди.

19

5. МКЦ ва КЦ асосида (алкилловчи агент сарфи 1,2-1,3 мол) АД=0,42-0,48 бўлган қуйи қовушқоқли, қуйи алмашинган, сувда эрувчан КМЦ ишлаб чиқаришнинг моноаппарат технологияси яратилди. МКЦ ва КЦ асосида

(алкилловчи агент сарфи 2,0-2,2 моль) $AD=0,93-1,21$ бўлган қуйи қовушқоқли, юқори алмашинган ПАЦ ишлаб чиқаришнинг суспензион технологияси яратилди.

6. Қуйи қовушқоқли КМЦ намуналарини янги йўналишда - экологик хавфсиз, қийин ёнувчан ЁҚП ишлаб чиқаришда қўлланилиш имконияти кўрсатилди ва унинг иштирокида қийин ёнувчан ЁҚПнинг лаборатория ҳамда тажриба-саноат намуналари олинди. Қийин ёнувчан ЁҚП композицияси таркибига қуйи қовушқоқли КМЦ киргизилиши маҳсулотнинг физик-механик ҳамда ёнишга чидамлилиқ хоссаларини ортишига олиб келиши аниқланди. —Деалмар Дискаунт|| МЧЖ корхонасида олинган тажриба саноат намунасининг ёнувчанлиқ хоссалари ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти ва ЎзР ИИВ ЁХББ лабораториясида тадқиқ этилди ҳамда ГОСТ 12.1.044 «Материал ва моддаларнинг ёнғин хавфсизлиги» бўйича —қийин ёнувчан материаллар|| гуруҳига киргизилди. Қийин ёнувчан ЁҚП тажриба-саноат партияси физик механик хоссалари бўйича ГОСТ 10632-2007 «Ёғоч-қипиқли плиталар» стандарт талабларига мувофиқ келди.

**ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ
ИНСТИТУТ
ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

ЙУЛДОШОВ ШЕРЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ, СВОЙСТВА И ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА
НИЗКОВЯЗКОЙ КАРБОКСИМЕТИЛЦЕЛЛЮЛОЗЫ НА ОСНОВЕ
МИКРОКРИСТАЛЛИЧЕСКОЙ И ПОРОШКОВОЙ ЦЕЛЛЮЛОЗЫ**

02.00.05 –Химия и технология целлюлозы и целлюлозно-бумажного производства

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ Ташкент-2017**

21

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за **B2017.1.PhD/T22.**

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Сарымсаков Абдушкур Абдухалилович доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рахмонбердиев Гаппар
доктор химических наук, профессор
Хайтметова Саида
кандидат технических наук

Ведущая организация: Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail:polymer@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № ____ (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.:(+99871) 241-85-94).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2017 года.)

С.Ш.Рашидова

Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.х.н., профессор, академик

Н.Р.Вохидова

Учёный секретарь научного совета
по присуждению ученой степени,
д.х.н., старший научный сотрудник

А.А.Атаханов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени,
д.т.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее

время в мире среди различных эфиров целлюлозы карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) производится в промышленных масштабах и широко применяется в различных отраслях народного хозяйства. Несмотря на увеличение объемов производства КМЦ на 1,8% в год, она остаётся востребованным промышленным продуктом. В связи с этим, для полного удовлетворения потребностей различных сфер промышленности на КМЦ поиск новых целлюлозосодержащих источников представляет особый интерес в фундаментально-прикладном аспекте.

После обретения независимости республики особое внимание уделяется в предприятия, производящие целлюлозу и ее производные на основе местного сырья, усовершенствованию действующих и разработку новых эффективных технологий для производств высококачественных, конкурентоспособных продуктов на мировой рынке. В настоящее время, внедрена полунепрерывная технология производства КМЦ путем модернизации классической периодической технологии, которая позволяет производить продукты низкой себестоимостью. В данном направлении, освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках указаны в стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. В этом направлении можно отдельно выделить научные и практические исследования по производству низковязкой КМЦ и полианионной целлюлозы (ПАЦ) на основе хлопковой, микрокристаллической (МКЦ) и порошковой целлюлозы (ПЦ), широко используемые для получения синтетических моющих средств, также используемые в керамической, строительной, гидрометаллургической, нефтегазовой и горно металлургической промышленности.

В настоящее время в мире основной задачей является разработка технологии производства новых видов КМЦ на основе различного целлюлозосодержащего сырья и расширение областей их применения. В данном направлении, синтез низковязкой, высококачественной, водорастворимой КМЦ на основе МКЦ и ПЦ, установление оптимальных условий реакций и границ полной растворимости в воде, установление энергии активации, константы скорости и теплового эффекта реакций, определение условия реакции высокозамещенной ПАЦ в одном этапе карбоксиметилирования МКЦ и ПЦ, обоснование научных аспектов и разработка технологий их производства являются весьма актуальным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлении Президента Республики Узбекистан ПП №-1442 от 15 декабря 2010 года «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан», ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации

производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», в Указе УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии

действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

